



OPERATIONAL SEARCH MEASURES: SOME ASPECTS IN INTERNATIONAL AND NATIONAL LEGISLATION

Saidov Shukhrat Yarmamat ugli

Independent researcher at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994354>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

KEYWORDS

Operational search activity,
OSA, CIS countries, national
legislation, model law,
comparative analysis,
legislative framework.

ABSTRACT

This article analyzes the legislation governing operational search activities (OSA) in CIS and Baltic states. It compares national laws regulating OSA and their general legislative frameworks. The paper discusses OSA laws in CIS countries, examining differences in legislation and common principles in implementing operational search measures. Furthermore, it analyzes the content and principles of the model law and explores possibilities for its incorporation into national legislation.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Саидов Шухрат Ярмамат ўғли

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994354>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

KEYWORDS

Тезкор-қидирув фаолияти,
ТҚФ, МДХ давлатлари,
миллий қонунчилик, модель
қонун, солиштирма таҳлил,
қонунчилик асослари.

ABSTRACT

Мақолада МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларидаги тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) қонунчилиги таҳлил қилинган. Шунингдек, ТҚФни тартибга солувчи миллий қонунлар ва уларнинг умумий қонунчилик асослари солиштирилган. Мақолада МДХ давлатларидаги ТҚФ қонунлари, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қонунчиликдаги фарқлар ва умумий принциплар муҳокама қилинган. Шу билан бирга, модель қонуннинг мазмун ва принциплари таҳлил қилинади ва унинг миллий қонунчиликка жорий этилиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаолиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита



мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда¹.

1991 йилда СССРнинг тарқалиши ортидан 1992 йилдан бошлаб МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларида демократик жамият қуриш жараёни бошланди. Давлат органларининг фаолияти қонун билан мустаҳкамланди ва миллий қонунчилик тизимини шакллантириш йўналишлари белгиланди. Шу боис МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилишди.

Ушбу қонунлар билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилиш, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ижтимоий ҳимоясини норматив-ҳуқуқий тартибга солинди. Шунингдек ушбу нормаларда ошкоралик чегаралари ва тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни муҳофаза қилиш, прокурор назорати, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш, «тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тартиби ва бошқалар кўрсатиб ўтилган.

Биз Болтиқ бўйи ва МДХ давлатларининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларини ўрганиб туриб, ушбу қонунларнинг алоҳида моддаларида тезкор-қидирув тадбирларининг турлари акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин.

Бу давлатларнинг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларининг қиёсий-таҳлили, улардаги тезкор-қидирув тадбирларининг сони ва мазмуни турли хил эканлигини кўрсатиб беради. Молдова Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги² ва Литва Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги³ қонунларида 13 турдаги тезкор-қидирув тадбирлари акс эттирилган. Россия Федерациясининг⁴ ва Беларусия Республикасининг⁵ қонунларида 14 турдаги тезкор-қидирув тадбирлари, Украина⁶ ва Латвия⁷ (6,17 моддаларида) қонунларида 17 турдаги тезкор-қидирув тадбири ўз аксини топган. Энг кўп

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабр кундаги Олий мажлисга мурожатномасидан.

² Малдавия Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6,13 м. 1994 йил 12 апрел кунини №45-ХIII

³ Литва Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6 м. 2002 йил 20 июнь кунини № IX-965,

⁴ Россия Федерациясининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6, 15 м. 1995 йил 5 июль,

⁵ Беларуссия Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 2015 йил 15 июль, № 307-З.

⁶ Украина Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1992 йил 18 февраль 8 м.

⁷ Латвия Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1993 йил 16 декабр 8 м.



миқдордаги тезкор-қидирув тадбирлари Қозоғистон Республикаси⁸ қонунчилигида белгиланган бўлиб, уларнинг сони 22 тани ташкил қилади.

Болтиқ бўйи ва МДХ давлатларидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг мустақил 3-боби, 8 моддадан ташкил топган бўлиб «Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари ва уларни ўтказиш тартиби» деб номланади. Ушбу бобда тезкор-қидирув тадбирлари турларидан ташқари алоҳида моддалар билан: тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари, тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни муҳофаза қилиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши тартиблари белгиланган.

Болтиқ бўйи ва МДХ давлатларининг тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик актларини ўрганиш бизга, уларнинг ўз талабларидан келиб чиқиб тезкор-қидирув тадбирларининг сони ва турларини, тезкор-қидирув фаолияти субъектларини ва тезкор-қидирув фаолиятини ахборот ва техник таъминоти чоралари белгиланганлигини тасдиқлади.

Бунинг ҳаммаси тезкор-қидирув қонунчилигини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этиб, МДХ давлатларининг ягона концептуал ёндашувга келишини белгилаб берди. Шу тариқа 2006 йилда МДХ давлатларининг «тезкор-қидирув фаолияти» андоза қонунини қабул қилишди. Ушбу қонун тезкор-қидирув фаолиятининг умумий концепцияси ва ягона ёндашувларни қонуний тартибга солиниши ҳамда номатив-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ қилиб белгилаб қўйилишини таъминлаши зарур эди.

Андоза қонуннинг қабул қилиниши МДХ давлатларининг қонун чиқарувчи органларига Тезкор-қидирув фаолиятига оид миллий қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишларига имкон берди. Андоза қонун тезкор-қидирув тадбирларининг турларидан ташқари тезкор-қидирув тадбирлари тушунчасига алоҳида умумий таърифларни ҳам берди.

Аммо бу ҳужжат мажбурий тусга эга эмаслиги сабабли биз МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларидаги тезкор-қидирув тадбирлари нормаларида фарқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Литва Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6 моддасида тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини субъектлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Украинанинг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 8-моддасида «тезкор-қидирув бўлинмаларига қонунининг 6-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда тезкор қидирув фаолияти вазибаларини ҳал этиш ҳуқуқи берилганлиги

⁸ Қозоғистон Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1994 йил 15 сентябр 8,11 м.



акс эътирилган. Яъни барча давлатларда ҳам тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси бирдек қўлланилмаган.

Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти” тўғрисидаги қонунининг 11 моддаси 2,3 бандлари тезкор-қидирув тадбирларини умумий ва махсус ўтказиладиган тадбирларга бўлади. Умумий тезкор-қидирув тадбирларига: фуқаролардан ва мансабдор шахслардан сўров; улардан маълумотлар тўплаш; корхона муассаса ва ташкилотлар ҳисобларидан текшириш; ишчи, хизматчиларнинг турар жойлар ва бошқа жойларни текшириш; қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар изларини аниқлаш ва ноошкора кузатув олиб бориш, уларнинг дастлабки текшируви, сутканинг ҳар қандай вақтида қаршиликсиз корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳудуди ва биносининг ичига кириш, аммо ҳарбий қисмлар ва бошқа алоҳида тоифаланган объектлар ҳудудига кириш фақат ушбу объект раҳбарларининг розилиги асосидаги тадбир, қиёсий текшириш учун наъмуналар олиш, назорат остида олиш, шахснинг алоҳида белгилари орқали айнанлигини аниқлаш, жиноий фаолиятга қалбаки шарт-шароит яратиб бериш, махсус техник воситаларни қўллаш, қидирув итларини қўллаш, қўлга олинган шахсларни шахсий тинтув қилиш, жиноий фаолиятга тегишли бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш, шунингдек турар жой бино, жойнинг участкалари ва транспорт воситалари ва бошқа жойларни текшириш, жиноятлар регистрацияси, криминалистик ва тезкор ва ҳисоблардан текшириш тадбирларини киритади.

Махсус тезкор-қидирув тадбирларига: қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни ноошкора аниқлаш ва изларини олиш, уларнинг дастлабки текшируви, ноошкора тарзда аниқланган ва излари олинган қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг дастлабки текшируви, атроф муҳитга ва соғлиқ учун хавфсиз бўлган нарса, буюм ва махсус техник воситаларни қўллаган холда амалга ошириладиган тезкор кузатув; почта жўнатмаларини назорат қилиш; телефон ва бошқа алоқа қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш, алоқанинг техник каналлари, компьютер тизимлари ва бошқа техник воситалардан ахборотлар олиш; ходимларни жиноий муҳитга тезкор киритиш, ташқи белгилар асосида почта ва телеграф алоқа каналлари орқали олиб бориладиган тезкор-қидирув ишлари, маҳкумларнинг корреспондентларини назорат қилиш ва бошқаларни киритади.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси қонуни махсус тезкор-қидирув тадбирларини ўтказувчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектларни белгилаб беради, Ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий разведкаси ва Президент хавфсизлик хизматлари ушбу тадбирларни ўтказишга ҳақли⁹.

Белоруссия Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 5-моддаси асосида тезкор кузатув, почта ва телеграф жўнатмаларини

⁹ Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Россия федерациясининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунига»: Шарҳ. – М.: «Новый Юрист», 1997. 263-274-б.



назорат қилиш, жиноий гуруҳлар ва криминоген объектларга амалга ошириладиган тезкор-қидириш, маҳкумларнинг корреспонденцияларини назорат қилиш, телефон ва бошқа алоқа қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш, алоқанинг техник каналларидан ахборотлар олиш тезкор-қидирув тадбирларидан ташқари бўлган тезкор-қидирув тадбирларини солиқ органлари томонидан ўтказиш мумкинлиги белгилаб қўйилган ¹⁰.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг МДХ давлатлари учун ягона бўлиши мумкин бўлган андоза кўриниши ишлаб чиқилгани, ҳамда ушбу қонунда кўплаб қарама-қарши фикрларни олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти таърифи билан бирга тезкор-қидирув тадбирлари тушунчасига ҳам таъриф берилганлигига қарамасдан бу таъриф Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг янги таҳририда ўз аксини топмади.

Белоруссия Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунида тезкор-қидирув тадбирларига қуйидагича таъриф берилган, Тезкор-қидирув тадбирлари – бу ушбу қонун билан белгиланган тартибда маълумотларни олиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш мақсадида қўлланиладиган ҳаракатлар ҳисобланади¹¹. ТҚТга таъриф Туркменистон Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра тезкор қидирув тадбирлари – ушбу қонун билан белгиланган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида тезкор-қидирув ишларини амалга оширувчи органнинг ошкора ва ноошкора ҳаракатлар тизими¹² эканлиги белгиланган. Шунга ўхшаш таъриф Тожикистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунида ҳам берилган бўлиб унга кўра, тезкор қидирув тадбирлари - бу тезкор қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал қилиш учун ваколатли давлат органлари томонидан ошкора ёки ноошкора равишда амалга ошириладиган (қўлланиладиган) Тожикистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган (ўрнатилган) чора тадбирлар тизими эканлиги белгиланганлигини кўришимиз мумкин ¹³.

2016 йилнинг 25 апрель куни, МДХ давлатларининг модел қонуни билан белгиланган тавсияларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Тезкор – қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 14 моддасига (тезкор-қидирув тадбирлари улари)

¹⁰ Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Россия федерациясининг «Тезкор-қидирув фаолияти»: Шарҳ. – М.: «Новый Юрист», 1997. 275-б.

¹¹ Беларуссия Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 2015 йил 15 июль, № 307-З.

¹² Туркменистан Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1994 йил 23 сентябр № 965 – XII.

¹³ Тожикистон Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни, 1998 года 23 май.



ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳар бир тезкор-қидирув тадбирига қонуний таъриф берилди ¹⁴.

Шуни таъкидлаш жоизки, андоза қонунда берилган барча тавсиялар ҳам инобатга олинмади. Ўзбекистон Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда тезкор-қидирув тадбирлари тушунчалари институти йўқ бўлиб, бу институтнинг бўлиши бизнингча Ўзбекистон Республикаси тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш резерви бўлиб хизмат қилади.

Назаримизда Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси институтини киритиш муҳим ҳисобланади. Ушбу тушунчага таърифни биз олимларнинг илмий назарий ишларида кўришимиз мумкин, мисол учун *Тезкор-қидирув тадбирлари* – «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган разведик-излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ноошкора восита ва усулларни ошкора восита ва усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими¹⁵ ёки юқорида кўрсатиб ўтилган хорижий мамлакатларнинг ҳамда МДХ давлатлари учун андоза сифатида ишлаб чиқилган тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунларни ўрганиб чиқиб, тезкор-қидирув тадбирларига таърифни ишлаб чиқишимиз мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабр кунидаги Олий мажлисга мурожатномасидан;
2. Малдавия Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6,13 м. 1994 йил 12 апрел куни №45-XIII;
3. Литва Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6 м. 2002 йил 20 июнь куни № IX-965;
4. Россия Федерациясининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунининг 6, 15 м. 1995 йил 5 июль;
5. Беларуссия Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 2015 йил 15 июль, № 307-3;
6. Украина Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1992 йил 18 февраль 8 м;

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йили 25 апрел кунидаги № 405 «Ўзбекистон Республикасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». 2016 й., № 17, 173 б).

¹⁵ А. Хамдамов, Т.Саитбаев, С.Гордеев ва Рашитходжаев “Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ ИИБ Академияси Т-2015 й.



7. Латвия Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1993 йил 16 декабр 8 м;
8. Қозоғистон Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1994 йил 15 сентябр 8,11 м;
9. Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Россия федерациясининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунига»: Шарҳ. – М.: «Новый Юрист», 1997. 263-274-б;
10. Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Россия федерациясининг «Тезкор-қидирув фаолияти»: Шарҳ. – М.: «Новый Юрист», 1997. 275-б;
11. Туркменистан Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни 1994 йил 23 сентябр № 965 – XII;
12. Тожикистон Республикасининг Тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни, 1998 года 23 май;
13. Ўзбекистон Республикасининг 2016 года 25 апрел кунидаги № 405 «Ўзбекистон Республикасининг айрим норматик-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». 2016 й., № 17, 173 б);
14. А.Хамдамов, Т.Саитбаев, С.Гордеев ва Р.Рашитходжаев “Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга шарҳ ИИВ Академияси, Т-2015 й.